

«ТШТТ» ФИЛИАЛИНИНГ ТАРМОҚ РЕСУРСЛАРИНИ ИЖАРАГА БЕРИШ

Тошкент шаҳри

"05" январ 2022 йил

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали, кейинги ўринда “Ижарага берувчи” деб аталувчи номидан, Низом ва 30.12.2021й. 27-01-14/6019-сонли ишончнома асосида иш юритувчи, директори Фаррух Шорухович Рустамов, бир томондан ва “Ўзбекистон Республикаси Илғор технологиялари маркази” кейинги ўринда “Ижарага оловчи” деб аталувчи номидан, низом асосида иш юритувчи, Ш. У. Турсункулов, иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб аталувчилар, ушбу шартномани туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 Ижарага берувчи «ТШТТ» филиалиниң қуидаги тармоқ ресурсларини:

- PRI ISDN сигнализациясидан фойдаланган ҳолда 1 (бир) дона E1 (2 Мбит/с) оқимини;
- Идоравий телефон тармоғининг «712274316-712274325» (10 та) ракамларини Ижарачига ижарага беради.
- Co location жавонида жойлашган 1U фаол ускуналар микдорида units жихозларини Ижарачига ижарага беради.

1.2 Ижарага берувчи Ижарачининг «ТШТТ» филиалиниң ЭАТС-245 да жойлашган асбоб-ускуналари ўртасида техник меъёrlар ва келишилган шартларга мувофик трафик ўтишини ташкил қилади.

1.3. Ижарачи ажратилган ресурслар учун мавжуд тарифларга мувофик ҳак тўлайди ва ташкилий, лойиҳалаш ва техник қарорлар бўйича Ахборот коммуникациялари вазирлиги билан ўзаро келишилган лицензия битимини тақдим қиласди.

## 2. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 2.1. Ижарага берувчи қуидаги мажбуриятларни ўз зинмасига олади:

2.1.1. Ижарачини «ТШТТ» филиалиниң ЭАТС-245 идоравий телефон тармоғига лойиҳалаш ва ташкилий қарорларга мувофик уланиши бўйича Томонлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш.

2.1.2. Ижарачини абонентларига ажратилган «712274316-712274325» (10 та) ракамлар оралигида PRI ISDN сигнализациясидан фойдаланган ҳолда 30 та алоқа нуктасидан трафик узатишни ташкил қилиш. Оқимни мавжуд трасса орқали DDFдан Ижарага оловчига ЭАТС-244 орқали узатиш.

2.1.3. “Ўзбектелеком” АҚ соҳасида технологик жараёнлар ўзгарган тақдирда Ижарага берувчи ажратилган диапозонни қайтариб олиш (олиб қўйиш) хукукини ўзида қолдиради.

2.1.4. Фойдаланиш тармоғи умумий модернизация қилинган тақдирда. ўзгаришлар алоқа сифатига таъсир қилиши ҳақида Ижарачини олдиндан огоҳлантириб, модернизацияни тасдиқланган давлат дастурлари, концепцияларга мувофик амалга ошириш.

2.1.5. Алоқа ўрнатишдаги носозликларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларда Ижарачига амалий ёрдам кўрсатиш.

2.1.6. Ижарачининг асбоб-ускунасини 220В АС кучланишдаги ўзгарувчан электр токи билан таъминлаш.

21.7. Белгиланган «ТШТТ» филиали биносига кириб-чикиш тартибига мувофик, Ижачининг техник ходимларини ўрнатилган ЭАТС ускуналари жойлашган ерга киришини таъминлаш. Ускуналар, алоқа кабеллари ва бошқа тармоқ ресурслари учун Томонларнинг тенг жавобгарлиги доираларини белгилаш.

#### **2.2.1. Ижаачи қуйидаги мажбуриятларни ўз зинмасига олади:**

2.2.2. Мазкур шартномани 3-бўлимига мувофик, ажратилган тармоқ ресурслари учун рўйхатдан ўтиш ва абонентлик ва ижара тўловларини амалга ошириш.

2.2.3 Ўз тизимлари ва ускуналарини ишлатиш пайтида алоқа узелларининг хусусиятлари ва параметрларини ОТС Ўз техник стандартлари ва талабларига мос келишини таъминлаш, мазкур шартномага асосан ажратилган **А ракамларини (чакирувчи абонент рақами) «ТШТТ» филиалининг телефон тармоғига** берилишини таъминлаш, ўзаро қабул килинган қарорлар, лойиҳалар ва меъёрий хужжатларга амал қилиш.

2.2.4 **Ижаачи қисман рақамлашни (бир ёки бир неча) рад этган тақдирда, ажратилган барча рақамлашни Ижарага берувчига қайтариш мажбуриятини олади.**

2.2.5 Ижаачи абонентларини RH 45-101:2013-сомли Йўриқномани (Ўзбекистон телекоммуникациялари тармоқларини тизими ва рақамлаш режаси) 5.5-бандига мувофик, маҳаллий фавқулодда вазиятлар хизматлари билан бепул алоқасини таъминлайди: 101-ёнғинга қарпли ёрдам, 102-милиция, 103-тез тиббий ёрдам, 104-газ тармоғининг фавқулодда хизмати, 1050-Фавқулодда вазиятлар вазирлигини қутқарув хизмати билан бепул алоқа ўрнатишни таъминлаш.

2.2.6 Ўзининг алоқа иншоотларида авариялар ва фавқулодда вазиятлар юзага келганда аварияларни бартараф этиш ва белгиланган муддатларда алоқани тиклаш чораларини кўриш.

2.2.7 **Ижаачига аудио, видео ва суратга олиш учун визуал (кино ва суратга олиш, овозли, видеөёзув ва х.к.) аппаратуруни филиал обьектларига олиб кириш қатъяни тақиқланади.**

### **3.ХИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ**

3.1 Ижаачи «ТШТТ» филиалини **2021 0000 5040 7483 8073** хисоб рақамига қуйидаги тўловларни ўтказади:

- ЭАТС-245 га 1 (дона) PRI ISDN 2 Мбит/с оқим учун тариф бўйича 254 540,00 сўм, шу жумладан ҚҚС. **Тўлов ҳар ойда амалга оширилади.**

- ТШТТ филиалини идоравий телефон тармоғига уланган 1 (дона) телефон рақамига абонент тўлови, (*прайскурант №125-1/7, модда №3, позиция №1*), ойлик тариф –1360,00 сўм шу жумладан ҚҚС, 10 та рақам учун ойига 13 600,00 сўм. **Тўлов ҳар ойда амалга оширилади.**

- Со location жавонида жойлашган 1U фаол ускуналар микдорида units жихозлари учун тариф бўйича абонент тўлов 40 000,00 сўм, шу жумладан ҚҚС. **Тўлов ҳар ойда амалга оширилади.**

3.2. Шартноманинг умумий тўлов микдори 1219526,01 ташкил қиласди.

3.3. Ойига 180 дақиқа микдорида ортиқча белгиланган қўнғирок чегараси учун тўлов нархлар *125-1/1 ва 125-1/7* *прайскурантларга* асосан амалга оширилади.

3.4. Кўшимча хизматлар ва ҳалқаро алоқа учун тўловлар *125-1/1 ва 125-1/7* *прайскурантларга* асосан амалга оширилади.

3.5. ТШТТ филиали ва Ижаачи ўртасидаги ўзаро хисоб-китоблар ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси валютасида амалга оширилади. Томонлар келишувига кўра, хизматлар учун 100% микдорида тўлов тўланади.

3.6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, "Ўзбектелеком" АҚ қарорларига мувофиқ тарифлар ва калькуляциялар ўзгарганда, шунингдек, энергия ташувчилар, коммунал хизматлар, ёқилғи-мойлаш материаллари нархлари ўзгарганда, Ижарачи янги тарифлар ва калькуляцияларга мувофиқ тўловни ўзгаришлар кучга киритилган санадан бошлаб амалга оширади.

3.7. Тўлов Ижарага берувчини реквизитлари кўрсатилган ҳолда тақдим қилинган хисоб-фактура асосида нақдсиз пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

#### **4. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР**

4.1 Томонлар мазкур Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиди бўлмас куч, яъни табиий оғатлар, ёнғин, сув тошқини, ер қимирилаши ва бошқа табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар, шунингдек давлат ҳокимияти органларининг харакатлари билан Шартнома имзолангандан сўнг юзага келган бўлса, ва бу ҳолатлар унинг шартларини бажаришга бевосита таъсир қиласа, жавобгарликдан озод қилинади. Форс-мажор ҳолатлар тугагандан сўнг, шартнома бўйича Томонлар ўртасидаги муносабатлар қайта тикланади.

4.2 Ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган Томон юқоридаги ҳолатларнинг юзага келиши ва тугаси тўғрисида бошқа Томонни дарҳол хабардор килиши керак.

4.3. Фавқулодда ҳолатларини юзага келганини ёки тугаганлиги ҳақида 15 кундан ортиқ вақт ичida кечикиб хабар берилиши, Томонни келгусида уларга мурожаат қилиш хукуқидан маҳрум қиласи.

#### **5. ШАРТНОМА ТОМОНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1 Ижарачи мазкур Шартномани 3-бўлимида кўрсатилган тўлов муддатларини кечиктирганлик учун кечикишнинг ҳар бир куни учун муддати ўтган тўлов суммасини 0,4% миқдорида, лекин муддати ўтган тўловни 50%дан кўп бўлмаган суммада пеня тўлайди.

5.2 «ТШТТ» томонидан хизмат кўрсатилаётган Томонлар ускуналаридағи бузилишларни бартараф этиш учун вақтинчалик ечимлар топилмаганлиги ва тегишли ускуна белгиланган вақт ичida бошқасига алмаштирилмаганлиги учун Ижарага берувчи Солишириш далолатномасига асосан абонемент тўловини қайta хисоб-китоб қиласи ва мажбариятларнинг тўланмаган қисмини 0,5% миқдорида, лекин кўrсатилган хизматлар қийматини 50%дан кўп бўлмаган суммада пеня тўлайди.

5.3 Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

5.4 Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган келишмовчиликлар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.5 Низолар ва келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун Тошкент туманлараро иқтисодий судига берилади.

5.6 Ушбу шартномада акс эттирилмаган қоидалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳал этилади.

5.7 Томонларни юридик манзили ёки банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бу ҳакида бир-бирларини ўзгарган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай хабардор қиласи.

#### **6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

6.1. Ушбу Шартнома 2022 йил 01 январдан кучга киради ва 2022 йил 31 марта гача амал қиласи.

6.2 Ушбу Шартномага янги киритилган қонун хужжатлари, юқори органлар томонидан тасдиқланган мөйөрий хужжатлар, шунингдек Томонларни таклифлариға асосан ўзгартиришлар ва тўлдиришлар киритилиши мумкин.

6.3 Ушбу Шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар Томонларни ўзаро розилиги асосида амал килади ва битим (баённома) ёки Шартномага қўшимча билан ёзма шаклда расмийлаштирилади

6.4 Ушбу шартнома кўйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- Томонларни келишувига кўра,
- Томонлардан бири шартнома шартларини бажармагандা,
- Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонунчилигига белгиланган бошқа ҳолларда.

## 7. ТОМОНЛАРНИ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

“Ўзбектелеком” АҚ

“ТШТТ” филиали

Тошкент ш., 100084,

Кичик ҳалка йули кўчаси, 2 А  
х/р 2021 0000 5040 7483 8073

“АЛОКАБАНК” АЖ,  
МФО: 00401, СТИР: 203366731,  
ОҚЭД: 61100;  
тел. 71238-73-01.

Директор

Ф.Ш.Рустамов

“Ўзбекистон Республикаси  
Илғор технологиялари маркази”

ILGOR TEKNOLOGIYALAR MARKAZI  
100174ГТ АШКЕНТ ОЛМАЗОР Т-Н  
ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧ СН ЗА УЙ  
Л/СЧ: 100010860262807015100254002  
ИНН: 302150477 ОҚЭД: 72190 МФО: 00014  
КАЗНАЧЕЙСТВО МФ РУЗ.  
КАЗ/СЧ: 23402000300100001010  
ИНН: 201122919 РКЦ ГУ ЦБ ГТАШ.



Yuristkonsul't  
Abdullaeva Shaxlo Axadovna

Кўрсатиладиган хизматлар**1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар**

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

т/р	Рақам	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (микдори)	Асос	Микдор	15% ҚҚС билан Тўлов микдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6	7
<b>I. Бир марталик тўловлар</b>						
<b>II. Хар ойлик абонент тўловлари</b>						
2.1	712274316	Плата за ТА внутрен.сети устан.в различных подр.(ведомственные тел)	1,360.00	Прейскурант	1	1,360.00
2.2	712274317	Плата за ТА внутрен.сети устан.в различных подр.(ведомственные тел)	1,360.00	Прейскурант	1	1,360.00
2.3	712274318	Плата за ТА внутрен.сети устан.в различных подр.(ведомственные тел)	1,360.00	Прейскурант	1	1,360.00
2.4	712274319	Плата за ТА внутрен.сети устан.в различных подр.(ведомственные тел)	1,360.00	Прейскурант	1	1,360.00
2.5	712274320	Плата за ТА внутрен.сети устан.в различных подр.(ведомственные тел)	1,360.00	Прейскурант	1	1,360.00
2.6	712274321	Плата за ТА внутрен.сети устан.в различных подр.(ведомственные тел)	1,360.00	Прейскурант	1	1,360.00
2.7	712274322	Плата за ТА внутрен.сети устан.в различных подр.(ведомственные тел)	1,360.00	Прейскурант	1	1,360.00
2.8	712274323	Плата за ТА внутрен.сети устан.в различных подр.(ведомственные тел)	1,360.00	Прейскурант	1	1,360.00
2.9	712274324	Плата за ТА внутрен.сети устан.в различных подр.(ведомственные тел)	1,360.00	Прейскурант	1	1,360.00
2.10	712274325	Плата за ТА внутрен.сети устан.в различных подр.(ведомственные тел)	1,360.00	Прейскурант	1	1,360.00
2.11	U00003344077	Абон. плата за тракт Е1 с сигнал. PRA,OKC-7,CAS(за 1 тракт)	254,540.00	Прейскурант	1	254,540.00
2.12	U00003344078	Аренда за каждый занимаемый технологический размер 1 Unit	40,000.00	Прейскурант	1	40,000.00
2.13	U00003371236	За аренду кабельной канализации (за 1 км.)	54,558.33	Прейскурант	1.803	98,368.67
<b>Жами (олдиндан тўлов)</b>						<b>406,508.67</b>

Жами олдиндан тўлов микдори 406508,67 сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % микдорида.

Шартноманинг умумий микдори 406,508.67 сўмни ташкил этади. Ундан 406,508.67 сўм микдорида ойлик абонент тўлови ҳамда 0.00 сўм бир маротабалик уланини учун рўйхатга олиш тўлови. Шартнома бўйича тўлов суммасидан ошган ҳолларда ортиқча сарфланган (лимит) трафик учун тўловлар ҳисоб-фақтурага асосан амалга оширилади.

**ОПЕРАТОР:**  
**“Ўзбектелеком” АҚ**  
**“ТШТТ” филиали**

Оператор номидан:



Рустамов Фаррух Шорухович

**АБОНЕНТ:**  
**ILG'OR TEKNOLOGIYALAR MARKAZI**

Абонент номидан:



М.ў.